

БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ: АСОСИЙ ҚОИДАЛАР ВА АМАЛГА ОШИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Инагамова Мафура Мухтархановна

*Тошкент давлат транспорт университети
доценти, (PhD), доцент*

*Каримова Мухаббат “Ўзбекистон темир
йўллари” Акциядорлик жамияти ишларни бошқариш
дирекцияси навбатчиси*

Аннотация: Мақолада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг мазмун-моҳияти, давлатларнинг мазкур конвенция талабларини ижросини таъминлашда вазифалари ҳамда мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёртилган.

Калит сўзлар: болалар ҳуқуқлари, ота-оналарнинг болаларга нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, қонуний вакиллар, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияси Нью-Йорк шаҳрида 1989 йил 20 ноябрь куни қабул қилинган ва 1990 йил 2 сентябрь куни кучга кирган. Бугунги кунда Конвенцияга аъзо давлатлар сони 196 тани ташкил этмоқда. Ушбу конвенцияни фақат битта давлат яъни, Америка Қўшма Штатлари ратификация қилмаган. Ўзбекистон Республикаси мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 9 декабрдаги 757-ХП-сонли «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги Қарорига¹ мувофиқ қўшилган. Конвенция 54-моддадан иборат бўлиб, унда қуйидаги асосий нормалар белгиланган:

Хусусан, *1-4-моддаларда:* «бола» тушунчаси, болалар манфаатларининг устуворлиги ва иштирокчи-давлатларнинг Конвенцияда белгиланган ҳуқуқларни камситишсиз амалга ошириш чораларини кўриш мажбурияти; *5-11-моддаларда:* ҳаётга, исмга, фуқароликка, ота-онасини билиш ҳуқуқига, ота-онанинг ғамхўрлиги ва ажралмаслигига, ота-оналарнинг болаларга нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятлари; *12-17-моддаларда:* болаларнинг ўз нуқтаи назарини, ўз фикрини билдириш, фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги, уюшиш ва тинч йиғилишларга бўлган ҳуқуқ, боланинг ахборотга эга бўлиш ва уни

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 41-модда

тарқатиш ҳуқуқлари; *18-27-моддаларда*: давлат томонидан боланинг оналарига ва қонуний вакилларига ёрдам бериш, шунингдек болаларга уларни тарбияловчи шахслар томонидан қўпол муомала бўлиш, уларнинг таҳқирланишидан ҳимоя қилиш, оилавий муҳитдан маҳрум бўлган ёки асраб олинган, ақлий ёки жисмоний жиҳатдан заиф болаларни ҳимоя қилиш, болаларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқлари, шунингдек, болаларнинг ижтимоий ривожланиши учун зарур бўлган турмуш даражаси тўғрисидаги нормалар; *28-31-моддаларда*: болаларнинг таълим олиш, она тили ва маданиятидан фойдаланиш, дам олиш олиш ва маданий соҳадаги ҳуқуқлари; *32-36-моддаларда*: давлатнинг болаларни ноқонуний эксплуатация қилинишдан, гиёҳванд моддаларни ноқонуний истеъмол қилиш, ўғирлаш ва болалар савдосидан ҳимоя қилишга оид мажбуриятлари; *37-41-моддаларда*: содир этилган жиноятлар учун жазодан озод қилиш имконияти бўлмаса ўлим ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазолари 18 ёшга тўлгунга қадар содир этилган жиноятларга нисбатан қўлланилмаслиги, болаларга нисбатан қийноққа солиш ва кадр-қимматни камситувчи жазо таъқиқланиши, жиноий хатти-ҳаракатлар содир этишда айбланаётган боланинг ҳуқуқлари, шунингдек қуроли тўқнашувлар ва урушлар пайтида болаларни ҳимоя қилиш нормалари.

Конвенциянинг аъзо давлатлар томонидан бажарилиши устидан мониторингни БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси амалга оширади.

Бола ҳуқуқлари бўйича қўмита 18 мустақил экспертдан иборат орган бўлиб, иштирокчи-давлатлар томонидан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг бажарилишини назорат қилади. Қўмита, шунингдек, Болаларни қуроли можароларга жалб қилиш ва Болаларни сотиш, болалар фоҳишалиги ва болалар порнографияси тўғрисидаги Конвенциянинг учта Факультатив Протоколларининг бажарилишини назорат қилади. Барча иштирокчи-давлатлар конвенция қоидаларини амалга оширилиши бўйича Қўмитага мунтазам равишда ҳисобот бериб борадилар. Иштирокчи-давлатлар Конвенцияга қўшилганидан кейин икки йил ўтгач, дастлабки ҳисоботларни, сўнгра ҳар беш йилда бир марта даврий ҳисоботларни тақдим этишлари шарт. Қўмита тақдим этилган ҳар бир ҳисоботни ўрганиб чиқиб, иштирокчи-давлатга “яқуний мулоҳазалар” шаклида ўз фикр ва тавсияларини беради.

Қўмита, шунингдек, Конвенциянинг биринчи иккита Факультатив Протокоliga қўшилган давлатлар томонидан тақдим этиладиган, болаларни қуроли можароларга жалб қилиш ва болаларни сотиш, болалар фоҳишалиги ва болалар порнографиясига оид дастлабки ҳисоботларни кўриб чиқади. Бундан ташқари, Қўмита иштирокчи-давлатлар томонидан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва унинг иккита Факультатив Протоколлари бузилганлиги ҳақидаги шахсий шикоятларни ҳамда Конвенция ва унинг учта Факультатив

Протоколларида мустаҳкамланган ҳуқуқларнинг жиддий ва мунтазам равишда бузилиши ҳолатлари бўйича текширувлар ўтказиши мумкин. Қўмита Женевада йилига уч марта мажлис ўтказди, бу уч ҳафталик ялпи мажлис ва бир ҳафталик ишчи гуруҳнинг дастлабки сессиясини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси 2008 йил 11 декабрда «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция»га доир болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факултатив протоколни, 2008 йил 12-декабрда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга доир, болаларнинг қуроли можароларда иштирокига тааллуқли Факултатив протоколни ратификация қилди.

«Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция» қоидаларининг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилда дастлабки, 2005 йилда иккинчи даврий, 2010 йилда учинчи ва тўртинчи даврий, 2019 йилда бешинчи даврий ҳисоботлари БМТнинг бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасига топширилган. Шунингдек, бугунги кунга қадар Ўзбекистон томонидан БМТ Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси бажарилиши юзасидан бешта даврий ҳисобот тақдим этилди. 2022 йилнинг сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 91-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидалари бажарилиши юзасидан Бешинчи даврий ҳисоботи кўриб чиқилди. Бола ҳуқуқлари ҳимоясига оид мамлакатимизда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан 2008 йил 7 январь кундаги «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-139-сонли Қонун ҳисобланади.

Мазкур ҳужжатда «бола (болалар)», «боланинг қонуний вакиллари», «васийлик ва ҳомийлик», «етим бола», «жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола», «ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар», «ногиронлиги бўлган болалар (бола)», «ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар» каби бола ҳуқуқларини таъминлашда муҳим ҳисобланган тушунчаларга изоҳ берилган.

Қонунга мувофиқ, ҳар бир болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган (11-модда).

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари Бош қомусимизда, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги,

«Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларида мустаҳкамланган бўлиб, бу ўз навбатида болалар ҳуқуқларини таъминланишига хизмат қилмоқда.